

ҚАЛБИДА ОЛОВ БОР, КЎЗЛАРИДА УТ

Қишлоққа баҳор келган. Кўкламой ўзининг зангор рангдаги “сеп-сидиргаси”ни чунонам атрофга ёйиб ташлаганки, кўзни қувнатибгина қолмасдан, кўнгилларни жунбушга келтиради. Беихтиёр шеър уқигинг, қўшиқлар қуйлагинг келади. Куз ўнгингда она табиат кўзни қувнаттулик рангларга киради. Ҳар тонг ўзгача, ҳар саҳарлар бошқача, қуёшнинг тафти ўзгача. Борликка осмондан ўзгача шуур тукилаётгандек...

Табиатан оғир, босик ва борликка теран назар ташлайдиган кичик жуссали кизалоқ Инобат баҳор келишини интиклик билан кутади. Нега деганда қишлоқдаги пасткамгина лойсувоқли томларининг устида ҳамманикидан аввалроқ лолақизгалдоқлар очилади. Ҳа, бошқа ҳеч кимнинг томида у мана шундай чиройли бўлиб очилмайди. Шабадада ҳарир қуйлақларини хилпиратиб турадиган кизгалдоқларни қуриш учун у лойсувоқли томга тирмашади. Онасининг “хай-хуй”игаям қулоқ солмайди. Нафис гуллардан жажжигина гулдаста ясаб пастга тушади па отасининг қўлларига тутқазади.

– Вой кизи қурмагур-ей, баҳор келганини билдириб гулларида териб келибди, мартабанг улуг, юзинг ҳаминча ёруғ бўлсин, олима бўлгин, профессор бўлгин, отасининг аладсиз мактовларидан, беғубор тилақларидан кизалоқнинг боши кўкка етгудек севинади.

Қишлоқнинг жамалак сочли кизалоғи Инобат ҳар баҳорда мана шу одатини қанда қилмай вояга етди. Ота-онасининг бағрида утказган кўкламлари, зангорбаҳорлари унинг қалбини аладсиз муҳаббатга тулдирди. Орадан йиллар ўтиб, қишлоқнинг гувалакли уйлари ҳам замонавийлашди. Юқори синфда ўқиётганида синфдошлари тунука қоқилган томларини курсатиб, “Кизгалдоқлар очилмай қўйди-ку бу томларда...” деб писанда қилишганида болалик дамлари эсига тушиб, кўнгли тулиб кетганди. Ростданам қуримсизгина бўлсаям лойсувоқли томлари файзли эди, унинг устида кўклам гул чечаклари, кизгалдоқлар очиларди. Энди йиллар ўтиб, турмуш тарзи яхши томонларга ўзгарди, аввалгидек пасткам уйлар ўрнини замонавий бинолар эгаллади, бири-биридан баланд, мухташам. Аммо, у ҳар баҳорда болалиги кечган лойсувоқли

пасткам уйларини эсга олади, хаёлан кизгалдоқларни дасталаб отасига, устозига келтиради...

Йиллар шамолдек бир-бировини қуниб ўтди. Инобат она кишлоғига олий маълумотли муаллима бўлиб қайтишни истарди. Шу яхши ниятларда ўзи туғилиб ўсган Сирдарё туманидаги Охунбобоев жамоа хўжалигидаги мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, пойтахтда муаллимлик сир-асрорларини урганишга астойдил бел боғлади. Омади кулиб боқиб, биринчи йилданок, яъни 1974 йили Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Кўнглига бир олам улкан орзуларни солган кишлоғи кизгинага оқ йўл тилаб қолди. Қишлоқда ўсгани учунми она табиатга, ҳайвонот оламига бошқача меҳр билан қарар, шу соҳа мутахассиси бўлишни орзуларди. Ана шу мақсадда химия-биология факультетида фан сирларини чуқурроқ урганишга киришди.

Зиёли ва ҳаётнинг паст-у баландини яхши англайдиган Анвар ака кичининг бу кизикишларига хайрихоҳлик билан қарар, илм олишига имкони даражасида қўмақлашарди. Онаси Бозоргул ая бирор бир маълумоти бўлмаса ҳам оддий, соддагина, зехили, саранжом-сарингтали, пазанда, уйим-жойим дейдиган куйинчак аёл эди. Инобатнинг билим олишига улар асло тўсқинлик қилишмади, аксинча, қўллаб-қувватлашди, рағбатлантиришди. Дам олиш кунлари уйга келди дегунича онаизори тансиқ таомларни оғзига тутар, дадажониси эса чўптагига бекитган пулларни қўлига тутқазарди: катта шаҳарда пул қўп кетади, олавер, ҳали бой бўлиб кетасан, кизим...

Инобат Ширинова институтда таҳсил олган кезлариданок илм оламига катта меҳр қўйди, нафакат мактабда муаллималик қилишни, олима бўлишга жазм этди. Олам қилган ишни, албатта, уддалаш мумкин. Унинг ҳам илм олиб, катта шаҳарларда яшаши, олима бўлишига ким тўсқинлик қиларди, албатта ҳеч ким ва ҳеч нарса. Ахир уни қўллаб-қувватлайдиган ота-онаси, ёшларга зътибор берадиган, энг мухими, руҳлантирадиган Юртбошиси бор! Талабаликнинг илк кунлариданок бир нарсани англаб етдики, қишлоқда ўсгани бежизгамас экан. Олийгоҳда таҳсил оларкан, ўзини айнан шу соҳанинг етук мутахассиси сифатида тасаввур эта бошлади. Худди у шу соҳа учун яратилгандек дарсларга байрамона

келар, устозларидан имкон даражасида кўпроқ нарсалар урганишга интиларди.

Биология соҳасига қизиқиши аслида отасининг енида, қишлоқдаги чорбоғларида юрганида шаклланганди. У отасидан меваларни пайвандлашни, парранда-ю жониворларга қарашни урганиб олганди. Ниҳоят, 1979 йили олий маълумотли бўлгач, ўзининг шу соҳа учун яратилганлигини англаб етди. Биология соҳасининг чексиз сир-синоатларига тобора қизиқиши орта бошлади. Дастлаб Инобат Анваровна олий маълумотли мутахассис бўлиб етишгач ўз қишлоғи томон интилиб, 1979-1985 йиллари давомида Сирдарё туманидаги 31-мактабда ёшларга бу фан сирларини ўргатди.

Илмга, янгиликка қанқоқлик уни кенг ўфқлар сари қорларди. Ана шу йиллар, фан оламида янгиликлар яратиш ишқи уни 1985 йили Сирдарё давлат педагогика институти умумий биология кафедрасига етаклади. Кафедрадаги бир неча йиллик фаолияти унутилмас йиллар бўлди. Инобат Анваровна устозларидан ҳақиқий илмнинг моҳиятини англаб етди.

У 1989-1992 йиллар давомида Тошкент биохимия институтида аспирантурада таҳсил олиб, яна кадрдон олийгоҳига қайтди. Гулистон давлат университети умумий биология кафедрасида фаолият қўрсатган олима энди ўз устида янада кўпроқ ишлади, соҳа юзасидан изланди. 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институтида докторант сифатида фаолият олиб бораётган, одамларнинг саломатлигини асраш, фан ривожини юксалтириш борасида тинимсиз мутолаа қилди, изланди.

Оддийгина химия-биология ўқитувчиси тинимсиз ўқиб-урганишлари, меҳнатсеварлиги, тиришқоклиги сабаб Биология фанлари номзоди (1993 йил) доцент, Биология фанлари доктори (1998 йил) унвонлари соҳибасига айлангани шунчаки осон иш эмас. Бунинг замирида қанчадан-қанча уйқусиз тунлар, заҳматли изланишлар ётибди. Қолаверса, атрофдаги баъзи кишиларнинг чекка-чеккадан ҳасад билан айтган гаплари, рост гап, баъзида дилини хуфтон қилган пайтлариям бўлди. Аммо, у яхши биладики, мевадан дарахтга тош отилмайди. Мана унинг узига ишониб, суяниб амалга оширган ишлари натижаси; "Антигипоксантилар

ёрдамида организм резистентлигини ошириш: тузилмавий метаболик механизмлар” юзасидан олиб борган тадқиқотлари бўйича жами 91 илмий ишлар, шундан 63 та илмий мақола ва маърузалар тезислари, 3 та монография, 2 та ўқув қўлланма чоп эттирди. Мана шу рақамларнинг ўзи бунинг қанчалик оғир машаққат эканлигидан далолатдир. Илм бу – заҳматдир. Унга чидаган инсонгина мақсадига етишади.

Фан доктори мана шундай меҳнатталаб, синовларга бой илмий изланишлари борасида шундай дейди:

– Менинг илмий ишимга кўра, тадқиқотда иссиқ қонли ҳайвонларда гипоксиянинг компенсаторланган фазасида ҳужайра функцияси ва энергетик алмашинувнинг бузилиши ҳамда нафас олиш занжирини НАДга боғлиқ участкасидан электронларни ташилишининг секинлашишидан бошланиши кўзатилади.

Қаламуш организмга кўзойнакли илон заҳари юборилгандан кейин қон ва жигарларда кардиолипин, фосфатидилэтаноламин ва фосфатидилинозитлар миқдорларининг камайиши, фосфидилхолин ва айниқса, лизофосфатидилхолин миқдорларининг қупайиши аниқланди. Ҳайвон организмга кўзойнакли илон заҳри таъсири остида катанин киритилганидан кейин қон ва жигарларидаги фосфолипидлар миқдори меъёردаги кўрсаткичларга яқинлашди...

Унинг оддийгина тарзда тушунтиришлари натижасида шунга аниқландики, ҳайвонларда кўзатишган бу ижобий натижалар инсон умрини узайтиради, саратон касалликларига нажот бўла олади. Олиманинг фан сирларини урганишга ундаган нарса ҳам аслида шу – инсон умрини узайтириш, касалликни олдини олишдир.

Инобат Ширинова салкам қирк йилга яқинки, олийгоҳда бўлажак муаллимларга биологиядан сабоқ бериб келади. Шунчаки сабоқ, дарс машғулотлари, маъруза матнлари биланмас, бутун қалб қўри билан, билганларини астойдил ургатишга интилади. Талабалар бу устознинг талабчанлигини яхши билишади, қолаверса пастрок курсдагиларга қўлокма-қўлок шивирлашади: Ширинова адолатли, ҳақиқатпараст, “пора” деган сўздан жирканади, ниҳоятда ҳалол ва билимли, дарсларида қатнашмасанг, амалиётда бўлмасанг, ўқимасанг баҳо қўймайди. Ҳаттоки юқори даражада “таниш-билиш”ларинг

утирсаям Инобат Ширинова фақат билим талаб қиладиган қайсар устозлардан...

Дарвоқе, бу гапларда жон бор. Яқинда жамоасидаги бир обрули устоз Инобат Ширинованинг рухсатисиз узининг яқинини “аъло” баҳо билан “сийлабди”. Буни билиб колган олима борадиган жойигача уни “қувиб етди”. “Менинг рухсатимсиз, мен утадиган фанимга нега жавоб берасан? Мен учун талабага, билимсиз, тайёрлагарлиги йўқ талабага нега менинг ўрнимга баҳо қўясан”... ваҳоказо... Буни кимдир тўғри тушунса, кимдир “битта баҳога шунчаликми, бирга ишласак, ҳақиқатпарварлик ҳам эви билан-да” деб писанда килди. Аммо фан доктори Ширинова учун бу каби қалтис ишлар касбга, илм оламига хиёнат ҳисобланади. Унинг бунақанги ишларга сира тоби тоқати йўқ, умуман билим олишга интилмаган талабани кечирмайди. Кўпинча лоқайд, касбига қизикмайдиган йигит-қизларга дуч келганида ростини айтади, қўяди: Сен шу университетга кириб бекор қилгансан, мана шу жойга киришни орзулаган ва омади чопмай столмаган бу соҳага иқтидорлилар қанча. Агар шу соҳага жонини беришга тайёр тенгдошинг ўқисайди, фангайм, жамиятгайм катта фойдаси тегарди...

Ҳа, илмни кадрига етадиган, фан тараккиётини қалбан қўллаб-қувватлайдиган Инобат Ширинованинг туриш-турмуши, феъли шундай.

Гулистон шаҳрининг кенг ва қўркам кучаси бўйлаб қуриниши бошқалардан унчалик фарқ қилмайдиган аёл кетаяпти. Агар билсангиз, у оддий аёлларданмас, унинг қўзларида ўт бор, қалбида олов бор. Қўнғлида фан аталмиш, биология аталмиш улкан ва ҳамма ҳам тушунаолмайдиган жуда улуг эзгуликлар, кашфиётлар дунёси бор. Фан доктори бу ҳокисор устоз нафақат ёшлар мураббийи, балки ниҳоятда талабчан, ҳақиқатни ёқловчи онадек қуйинчак зот. У билимга интиладиган ёшлардан насиҳатини асло аямайди, ўқимаган талабани эса сира қўллаб-қувватламайди, ўқиб, ўрганмасанг осонгина баҳо ололмайсан, деб илм олишга мажбурлаб туриши рост. Бу заҳматкаш фан доктори борини илм йулида сарфлаган, тунларини мунаввар тонгларга улаган, қўлларига лоақал бирор дон тилла тақинчоқ тақишга ўрганмаган, ўткинчи молу дунёга ҳирсу ҳавас қўймаган бокира. Фикри-зикри

илм уммонида сайр этадиган муътабар Алланинг изларига Аллоҳим уз пурларини, файзу барокатларини мул-кул қилиб тушаб туриши рост. Негаки, у эл боласига илм беради, эл саломатлиги йўлида бор билганларини бизларга нисор этади ва шунинг эвазига бизлар учун азизу мукаррамдир. қўпчилигининг, илм аҳлининг эътиборию эҳтиромига муносибдир.

Инобат Широкованинг яна бир ажойиб одатлари, саховатпешалиги борки, у бу нарсани гапиришни, одамларга мақтанишни эп билмайди. Икки опасининг, акасининг бемаврид ўлими бир этак фарзандларининг кўнглини ярим қилиб кетган. Ўша ўксук қалбли жиянларига ота-онадек меҳр қўрсатиш учун катта қалб соҳиби бўлиш керак. Бу оқила аёл жигарқўшаларининг ҳамиша тиргаги, маслаҳатқўйи, ҳаёт йўлларини топишда елкадоши. Уларни ўқитиш, уйли-жойли қилиш, тўйларини ўтказиш... ҳаммасига имкони борича ҳаракат қилади. Аммо, ҳеч қачон бу масалада бирор кимга, бирор жойда гапиришни истамайди. Қишлоқ қабристонини ободонлаштиришга, кўчаларини текислашга ва яна... имкони қадар кўмаклашди. "Шу қабристонда азизларим, ота-онам ҳам ётибдику, бу ерни қаровсиз қолдириш эгаллаган илмимга хиёнатмасми?" – дейди у.

Дарвоқе, умрини ёш авлод таълим-тарбиясига, илм эгаллаб, ҳунарли бўлиб эл қорига ярайдиган инсон сифатида камолга етишида ўзининг билганларини ўргатаётган, фан фидойисининг ҳаёти, олиб бораётган изланишлари ҳавас қилса арзигуликдир. Яхшиям орамизда шундай илм соҳиблари, фан фидойилари ва суянсақ арзигулик устоз, дўстларимиз бор.

АЁЛ БОРКИ, МУНАВВАР ОЛАМ

Инобатхон синглим, кадрдоним! Исмингиз жисмингизга мос бўлган, Аллоҳнинг эътиборига мос бўлмоқликка интилувчи Аллоҳ махбубидирсиз.

Мана, 40 йилдирки битта олийгоҳда фаолият юритиб келамиз. Сиз бугун таниқли олимасиз. Биология фанлари доктори бўлдингиз. Фахримизсиз. Қанчадан-қанча шогирдларингиз республикамизнинг турли бурчакларида фаолият юритиб келмоқда. Бундай шогирдларингиз бугун сизнинг фахрингиздир. Университетимиз катта даргоҳ, купчилик фаолият юритади, лекин шулар орасидан дўстлашиш учун одам танланади. Кўнглимиз жа ҳамиша вафоли дўст танлайди. Сиз шундай дўст ва сингилсиз. Инобатхон сиз мен учун хушмуомала дўстлик боғидаги дарахтларга ҳаёт суви берувчи бир чашмадирсиз. Бутун ҳаётингизни илм-фанга бағишладингиз.

Биология фанини ривожлантиришда узингизнинг жуда катта бой тажрибангиз, илмий тадқиқот ишларингиз ватан равнақи йулида ўз самарасини берди. Инобатхон, биз билган ва билмаган қирраларингиз кўп. Сиз жуда серқирра инсонсиз... Чунки инсон, оила, аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот — бу аёлдир. Сиз аёллар қиладиган барча ишларни ғамхўрлигингиз, меҳрибонлигингиз, қалби дарёлигингиз билан оиладаги, қолаверса бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини ўз вақтида ўтаб курсатиб келмоқдасиз. Сизнинг онангиз юз йилдан ортиқ умр кўриб яшадилар. Онангиз учун, оила учун барча ишлар ва изтиробларни бирга тортдингиз. Сизнинг елкангизда яъни зиммангизда 20 га яқин фарзандларингиз бор. Улар иккита онангиз ва битта акаингизнинг фарзандларидир. Фарзандлар оналари ва оталаридан эрта етим қолишди. Сиз уларнинг бошини силадингиз, ўқитдингиз, уйли жойли бўлишида бош-қош бўлдингиз. Сиз жиянларингиз учун меҳрибон хола, меҳрибон она ва ота бўлдингиз. Аллоҳ ўзи сизни мукофотласин...

Онангиз сиз учун, сиз онангиз учун қанчалар қайғурардингиз. Ҳеч қачон эсимдан чиқмайди, сиз бир куни: "Илмий иш кетидан

Тошкентга кетдим, жуда кеч кайтдим. 100 ёшга кирган онам мени излаб, йўлимга кўз тутиб, келавермасам катта трасса йўлга кечаси чиқибдилар. Уйимиз трасса йўлга анча узоқ бўлса-да, сабрлари чидамаган. Бир кишлоқдошим томорқасини сугориб юрган экан, онамни уйимизга етаклаб олиб келибди", — деган эдингиз. Онаизорингиз сизни кечалари ухламай кутганлар... Гоҳида тadbирлардан кеч чиқсангиз, бугун бизникида қолинг десак, онам хавотир олади дердингиз.

Қанча ташвишлар билан яшаганингизга гувоҳман. "Бекободда опачамдан қолган фарзандлари бор" деб уларга мол-ҳоллар бердингиз. "Жияним уй тўйи қияпти, опамни руҳи шод бўлсин", деб гилам кутариб бордингиз. Худди ўзингиз тўй қилгандек, хурсандчилигингизни ичингизга сиғдира олмай, менга тўлқинланиб, кўзингизда ёш қалқиб гапириб берганларингиз эсимда. Яна бир опангизнинг фарзандлари тўй қилишди. Уларга ҳам бош-кош бўлиб турдингиз. Акангиздан едгорлик қолган 5 нафар фарзандни ҳам тарбияси ҳақида, яшаш шароити ҳақида ҳамиша куйинасиз, ютуқларидан тўлқинланасиз, севинасиз. Аллоҳ сизга ҳамиша куч-қувват берсин. Сиздаги жигарга бўлган меҳру муҳаббатга, сабру қаноат, чидам, гайрат ва шижоатга мен таҳсинлар айтаман.

Туғишган қариндошларингиз, жон-жигарларингиз узоқ-узоқларда яшасада, ҳар қайсиларининг ҳолидан хабар олиб турасиз. Таҳсинга сазовор хайрли, савоб ишларни қиласиз. Фақат номзодлиги ишингиздан кейин, докторлик иши устида тадқиқот ишларини олиб бордингиз. Сиз тинимсиз йўл устидасиз, Тошкент — Гулистон ўртасида 20 йилга яқин катнадингиз. Ҳали-ҳануз битта шахсий машинангиз йўқ. Холбуки шундай домлалар борки узоғи билан икки-уч йилда ҳаммашикидан зўр машина минади... Ёзган ишларингиз, тадқиқот натижаларингиз, чет элларда чиқарилаётган илмий мақолаларингиз ҳақида менга тўлқинланиб, ютуқларингиздан қувнаб кутаринки ҳолатда гапирардингиз.

Лекин гоҳида илмий ишларингиз баъзи бир бобларидан кимлардир уғринча фойдаланганини билиб қолганда ичингизда ачиниб, йиглаб гапирган кунларингиз ҳам бўлди. Бу жарасенларнинг қанчалик аччиқлигини олимларгина яхши билишади. Мана, сиз ҳар қандай оғир кунларга чидаб, сабр қилиб ишларингиз. Сабр таги

олтин деганларидек, энг кийин дамларда ҳам чидам билан ишладингиз. Ҳақиқат сари интилиб кам бўлмадингиз.

Инобатхон, сиз бугун буюк авлодлар кизи эканингиз билан фахрлансангиз арзийди. Падари бузрукворингиз Ширинов Анвар ака 1941-1945 йилларда 2-Жаҳон урушида иштирок этдилар. Умрларининг охиригача қишлоқ – хўжалик ишларида ишладилар. Юрт тинчлиги ва ободлиги, халқ фаровонлиги йулида тинимсиз меҳнат қилдилар.

Сиз бугун уларнинг давомчисисиз. Юртимиз равнақи йулида, узингизнинг саъй-ҳаракатларингиз билан минглаб шогирдлар тайёрладингиз. Бу сизнинг фахрингиз, ортингиздан қолар нурли изларингиз деб биламан. Халкимиздан қолган бир нақл бор. “Иззат – эҳтиромга лойиқ бўлай, номим абадий қолсин, десанг – илм орттир”.

Тарихга қарасак, бугун биз эҳтиром билан тилга олаётган улуглар тириклик чоғлари шуҳрат шохсупасида ўтирмаганлар. Айримлари қувгинга учраганлар, айримлари қатл этилганлар, айримлари қашшоқлик балосида азоб чекканлар. Шуҳрат вафотларидан кейин, иккинчи ҳаётида келган. Ўтмишда яшаган европалик Рембранд огир хасталикка учраб, даволанишга пул топа олмаган экан. Ҳозир унинг биттагина асари неча миллион долларга ким ошди савдосига қўйилапти. Улуглар шуҳрат учун яшамаганлар. Уларни эртами-кечми шуҳратнинг ўзи топган. Бу ҳам синовли ҳаётнинг имтиҳонидир. Сиз ҳам Ўнги Ўзбекистонимизнинг буюк тарихида узингизнинг илм-фан йулидаги матонатингиз, ақл-заковатингиз, нафосат ва назокатингиз билан 3-ренессанс даврига ўз ҳиссангизни қўшмоқдасиз. Илм-фан йулидаги изланишларингизда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашингизда сизга зафарлар тилайман. Умрингиз зиёда бўлсин, Инобатхон.

Уғилой ЭРБУТАЕВА,

**ГулДУ тузнлмасидаги Катагон қурбонлари хотираси музейи
директори**